

№ СРЮ-0295/РТЕЛ-1 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил "07" сентябри

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “30” декабрдаги № 45-01-07/1159 - сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг **“Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази”** филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **“Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси”** номидан Ҳоқим (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Бош през. бўли. Ҳ.П. Юдашев (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйдагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фонз** миқдорида олдидан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фонз** миқдорида олдидан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдидан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача хизматлар кўрсатиш учун шартноманинг умумий миқдори 89 507 250,00 (саксон тўққиз миллион беш юз етти минг икки юз эллик сўм, 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан 29 835 750,00 (йигирма тўққиз миллион саккиз юз ўттиз беш минг етти юз эллик сўм 00 тийин) миқдорда 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ойлик абонент тўлови.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солиш қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига мурасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 йил 31-Декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
АК "Ўзбектелеком"	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
Манзил: Тошкент, А.Темур кўчаси, 97 А.	BOSH PROKURATURASI
Тел: (99) 836-7600	Манзил: Тошкент ш. Ҳ.Ғ'уломов кўчаси, 66-уй. Т/Ғ: 71 202-04-92
Электрон почта: b2b@uztelecom.uz	Банк маълумотлари: 1000 10060262907036100010001
Банк маълумотлари:	х/р: INN 200 555 349 XXTUT 97300
хисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088	СТИР: O'z. Res. Moliya vazirligi G'aznachiligi
АТБ Алокабанк	МФО: MB Toshkent sh. HKKM STIR 201 122 919 MFO 00014
МФО: 00401	Тел: H/R 2340 2000 3001 0000 1010
ИНН: 203366731	
ОКЕД: 61100	
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди	
КҚС 326 030 013 817	
Оператор номидан: 	Абонент номидан: 
Директор ўринбосари	
м.ў.	

Техник қўллаб-қувватлаш: 1155

Ижрочи: Ильясов И.Р.

Тел.: (+998 99) 836-7380

Электрон почта: i.ilyosov@uztelecom.uz



10/11/2022

11.11.2022

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

№	Хизмат номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	Нархи (қиймати) ҚҚС билан
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
II. Ойлик тўловлар					
2.1	"IP-телефония" хизмати учун "Ягона тармоқ" тариф режасига мувофиқ абонент тўлови (Тармоқ ичидаги чексиз дақиқалар, Ўзбекистон ичидаги чиқувчи қўнғироклар учун 1000 дақиқалик чегара)	25 000,00	Нархнома	842	21 050 000,00
2.2	"IP-телефония" хизмати учун "Ягона тармоқ" тариф режасига мувофиқ абонент тўлови (Тармоқ ичидаги чексиз дақиқалар, Ўзбекистон ичидаги чиқувчи қўнғироклар учун 1000 дақиқалик чегара)	25 000,00	Нархнома	5	125 000,00
2.3	SIP-trunk протоколи орқали битта виртуал каналдан фойдаланганлик учун абонент тўлови	12 250,00	Нархнома	707	8 660 750,00
2.4	Ўзбекистон бўйлаб "Ягона тармоқ" тариф режаси учун лимитдан ошган чиқувчи қўнғироклар дақиқасига.	12,00	Нархнома	Факт асосида	Факт асосида
Всего (предоплата)					29 835 750,00

Жами олдиндан тўлов миқдори 29 835 750,00 (йигирма тўққиз миллион саккиз юз ўттиз беш минг етти юз эллик сўм 00 тийин), шў жумладан 15% ҚҚС миқдорида.

01.01.2022 й. дан 31.03.2022 й. гача хизматлар кўрсатиш учун шартноманинг умумий миқдори 89 507 250,00 (саксон тўққиз миллион беш юз етти минг икки юз эллик сўм, 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан 29 835 750,00 (йигирма тўққиз миллион саккиз юз ўттиз беш минг етти юз эллик сўм 00 тийин) миқдорда 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда ойлик абонент тўлови.

"Оператор"

"Абонент"

АК "Ўзбектелеком"

«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Директор ўринбосари

/ Хон А.Е.

м.ў.

2022 йил " 7 " январь

СПИО-0295/IPTEL-1 – сонли абонент шартномасига

2-илова

Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш далолатномаси

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида 2022 йил " 7 " январь " СПИО-0295/IPTEL-1 сон шартномага асосан тегишли ишлар амалга оширилди.

т/р	Хизматлар номи	Микдори	Ишга туширилган сана	Бажарилганлиги хақида белги
1.	Teznet Business -6 тариф режаси бўйича 40 Мб/с тезлигида Интернет тармоғига ҳамда UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш.	1	«01» Январ 2022г.	Бажарилди
2.	Тармоқ ости IP-статикаси учун абонент тўлови: 195.158.25.236/30.	1	«01» Январ 2022г.	Бажарилди
3.	Тармоқ ости IP-статикаси учун абонент тўлови: 84.54.69.196/30.	1	«01» Январ 2022г.	Бажарилди

Оператор томонидан уланишни ташкил этиш учун абонентга берилган Абонент қурилмасини топшириш - қабул қилиш далолатномаси

№	Қурилманинг дастурий таъминот номи	Микдори	Серия коди ёки завод рақами	15% ҚҚСни инобатга олган ҳолда етказиб бериш қиймати, (сўмда)
1	2	3	4	5

"Оператор"

"Абонент"

АК "Ўзбектелеком"
«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Директор ўринбосари

/ Хон А.Е.

М.ў.



O'ZBEKTELEKOM AKSIYADORLIK KOMPANIYASI
АКЦИОНЕРНАЯ КОМПАНИЯ УЗБЕКТЕЛЕКОМ
"SOTUV VA XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" FILIALI

100084 Toshkent sh. A. Temur 97A uy. T: (+998 99) 836-76-00. E-mail: b2b@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

100084 г. Ташкент, ул. А. Темур 97А. Т: (+998 99) 836-76-00. E-mail: b2b@uztelecom.uz www.uztelecom.uz

№ 45-01-07/1959
«30» 12 2021

ИШОНЧНОМА

Тошкент шаҳри

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали тўғрисидаги Низом ва 2021 йил 30 декабрь кундаги 27-01-14/6021-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи, Тошкент шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 8-уйда жойлашган «Ўзбектелеком» АК «Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали (кейинги ўринда – Филиал деб юритилади) директори Туляганов Ядгар Рахимджанович, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 47, 138-140-моддаларига асосан мазкур ишончнома орқали Филиал директори ўринбосари **Хон Александр Евгеньевичга (XON ALEKSANDR YEVGENEVICH)**, паспорт маълумотлари: серия АА, № 1125685, Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ томонидан 2013 йил 26 мартда берилган) «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринда – Компания деб юритилади) номидан қуйидаги ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқини беради:

қонун ҳужжатларига мувофиқ суд органларида (шу жумладан, ҳакамлик судларида) ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида иштирок этиш (суд мажлисларида, процессуал ҳаракатларида иштирок этиш), даъвогар ва жавобгар сифатида тегишли ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек учинчи шахс сифатида иштирок этиш, Компания фойдасига (Филиал фаолияти доирасида) қабул қилинган суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижрога қаратиш ва ушбу ҳужжатларни ижро этиш жараёнида мол-мулк, пул маблағлари ёхуд бошқа моддий қимматликлар (мол-мулк)ни Филиал балансига қабул қилиш;

Филиал ваколатлари доирасида жисмоний шахслар, мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахслар билан шартномалар (уларга қўшимча келишувлар/битимлар), телекоммуникация хизматларини, шунингдек мобил алоқа хизматларини кўрсатиш шартномаларини тузиш ёки бекор қилиш (имзолаш), харид қилиш шартномалари бундан мустасно;

ушбу ишончнома доирасида тузилган шартномалар (шу жумладан, илгари тузилган шартномалар) бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатларини (шу жумладан, ҳисоб-фактуралар, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномалари)и, таққослаш ва ўзаро ҳисоб-китоб далолатномалари) ва бошқа зарур ҳужжатларни имзолаш;

Филиал директори ўринбосари Хон А.Е. томонидан ушбу ишончнома доирасида амалга оширилган ҳаракатлари, шу жумладан имзоланган шартномалар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги, қонунийлиги ҳамда айрим ваколатларни ишончнома асосида бошқа шахсларга ўтказилишининг мақсадга мувофиқлиги (мақбуллиги) учун жавобгардир.

Ушбу ишончнома **2022 йил 31 декабрга қадар** амал қилади.

Ушбу ишончноманинг амал қилиш муддати Компания бош директори ёки Филиал директори томонидан муддатида оддий бекор қилиниши мумкин.

Хон Александр Евгеньевичнинг _____ имзо намунасини тасдиқлайман.

Персонал билан ишлаш хизмати бошлиғи Д. Лзизова Д. Лзизова

Филиал директори



Я. Туляганов





LITSENZIYA
ЛИЦЕНЗИЯ

AA № 0005661

Типовая

Лицензия тип
Нал лицензия

21 августа 2015 г.

Введен сила
Дата выдачи

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана
Наименование лицензиата

Акционерная компания «O'ZBEKTELEKOM»

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Адрес и контактные данные лицензиата

USHBU LITSENZIYA BILAN TASHKILAT KO'RSATISIGA A'UNSAI ETILADI
НАСТОЯЩИМ ЛИЦЕНЗИЕЙ РАССУЖДЕНО СУЩЕСТВОВАТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ
Проектирование, строительство, эксплуатация и оказание услуг
сетей передачи данных



Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана
Наименование лицензиата

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.

Лицензия издана в количестве 1 экз. с 23.02.2017 г. по 23.02.2017 г. с 23.02.2017 г.